

ИЖРО ВА ФОНОГРАММАЛАР БУЙИЧА БИМТ ШАРТНОМАСИ

Келишилган аризалар

Дипломатик конференция томонидан (Шартнома қабул қилган) айрим қоидаларга нисбатан ИФШ шу Шартноманинг асл матнида тегишли қоидаларга қилинган ҳаволалар қуринишида келтирилади. Бу ҳаволалар ушбу матнда келтирилмасдан, тегишли келишилган аризаларга қилинган қавс ичидаги ҳаволаларга алмаштирилган

Дипломатик конференция томонидан 1996 йил 20 декабрда қабул қилинган

Прембула

Шартлашаётган Томонлар,

Ижрочилар ва фонограмма тайёрловчилар ҳуқуқининг муҳофазасини янада самарали ва бир хил тарзда такомиллаштириши ва қўллаб-қувватлашга интилан ҳолда,

Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва техник тараққиёт муносабати билан юзага келадиган масалаларнинг адекват тарзда ечилишини таъминлаш мақсадида янги халқаро қоидалар қиритилиши зарурлигини тан олган ҳолда,

Ахборот ва коммуникация технологиялари ривожланиши ва яқинлашишининг ижродан фойдаланиши ва фонограммалар тайёрлаш ва улардан фойдаланишга чуқур таъсирини тан олган ҳолда,

Ижрочилар ва фонограмма тайёрловчиларнинг ҳуқуқлари ва тингловчиларнинг манфаатлари уртасидаги, хусусан таълим, илмий тадқиқотлар ҳамда ахборот олиши имкони сохаларида, балансни саклаш зарурлигини тан олган ҳолда,

Қуйидагилар ҳақида келишиди:

I- БОБ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда

Бошқа конвенцияларга муносабат

(1) Ушбу Шартномадаги ҳеч нарса Шартлашаётган Томонларда 1961 й. 26 октябрда Римда тузилган Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эфирга узатувчи ташкилотлар манфаатларини муҳофаза қилиш тугрисидаги халқаро конвенция (бундан кейин матнда - "Рим конвенцияси") буйича бир-бирига нисбатан мавжуд бўлган мажбуриятларини қамайтирмайди.

(2) Ушбу Шартнома буйича тақдим этиладиган муҳофаза адабий ва бадиий асарлар муаллифлик ҳуқуқига тааллуқли эмас ва ҳеч қандай таъсир қўрмайди. Мос равишда, ушбу Шартноманинг ҳеч қандай қоидаси шу муҳофазага зарар етказувчи сифатида шарҳланиши мумкин эмас.

(3) Ушбу Шартнома ҳеч қандай тарзда бошқа бирор бир шартномалар билан боғлиқ эмас ва улар буйича ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни чекламайди.

2-модда

Таърифлар

Ушбу Шартнома мақсадлари учун:

(а) "ижрочилар" – бу роль ижро этадиган, қўйлайдиган, уқийдиган, декламация қиладиган, мусикий асбобларни чаладиган, интерпретация қиладиган ёки бошқа тарзда адабий ёки бадиий асарларни, ёхуд фолклор асарларини ижро этадиган актёрлар, ашулачилар, мусикачилар, раққослар ва бошқа шахслар;

(б) "фонограмма" ижро товушларини ёки бошқа товушларни ёзиб олиш, ёхуд товушларни акс эттиришни билдиради, кинематография ёки бошқа аудиовизуал асарларга қиритилган ёзувлар қуринишидаги товушлар бундан мустасно;

(с) "ёзув (ёзиб олиш)" товушларни тегишли қўрилма ёрдамида уларни қабул қилиш, худди узидай қайтариш ёки хабар беришни амалга оширишга имкон берувчи мужассамлантириш ёхуд уларни акс эттиришни билдиради;

(d) "фонограмма тайёрловчи" ижро товушлари ёки бошка товушларнинг илк ёзиб олинishi, ёхуд товушларнинг акс этирилиш ташаббусини уз зиммасига оладиган ва улар учун жавобгар булган жисмоний ёки юридик шахсни билдиради;

(e) ёзиб олинган ижрони ёки фонограммани "оммага узатиш" ёзиб олинган ижро ёки фонограмманинг хукук эгасининг розилиги билан ва нусхалар оммага окилона микдорда таклиф этилиши шарти билан оммага таклиф этилишини билдиради;

(f) "эфир оркали узатиш" симсиз алока воситалари ёрдамида товушларни ёки тасвир ва товушларни, ёхуд уларнинг аксини омма кабул килиши учун узатилишини билдиради; йулдош оркали амалга ошириладиган бундай узатиш хам "эфир оркали узатиш" хисобланади, агар кодни очиш воситалари эфирга узатиш ташкилоти томонидан ёки унинг розилиги билан оммага такдим этилса, кодланган сигналлар узатилиши "эфир оркали узатиш" хисобланади;

(g) ижро ёки фонограммани "барчага маълумот учун узатиш" ижро товушларини ёки фонограммага ёзилган товушлар ёхуд товушлар аксини, эфир оркали узатишдан ташкари, исталган восита оркали оммага узатишни билдиради. 15-модда максадлари учун "барчага маълумот учун узатиш" фонограммага ёзилган товушлар ёки товушлар аксини омманинг эшитиш оркали кабул килиши учун етказилишини уз ичига олади.

3-модда

Ушбу Шартномага кура мухофаза килинадиган шахслар

(1) Шартлашаётган Томонлар бошка Шартлашаётган Томонларнинг фукаролари булган ижрочилар ва фонограмма тайёрловчиларига ушбу Шартномада кузда тутилган мухофазани такдим этади.

(2) Бошка Шартлашаётган Томонларнинг фукаролари деганда ушбу Шартноманинг барча Шартлашаётган Томонлари худди Рим конвенциясининг Шартнома тузувчи давлатлари булганидек, шу Конвенцияда кузда тутилган мухофаза такдим этиш мезонларига жавоб берадиган ижрочилар ва фонограмма тайёрловчилари тушунилади. Курсатилган мезонларга нисбатан Шартлашаётган Томонлар ушбу Шартноманинг 2-моддасидаги тегишли таърифларни куллайди.

(3) Рим конвенциясининг 5(3)-моддасида кузда тутилган имкониятлардан фойдаланувчи ёки шу Конвенциянинг 5-моддасидаги максадлар учун хар кандай Шартлашаётган Томон бу Конвенциянинг 17-моддасида Бутун жaxon интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) Бош директорида курсатилган коидаларда кузда тутилганидек хабарнома юборади.

4-модда

Миллий режим

(1) Хар кандай Шартлашаётган Томон 3(2)-моддада белгиланган бошка Шартлашаётган Томонларнинг фукароларига ушбу Шартнома билан махсус такдим этиладиган алохида хукуклар, ва ушбу Шартноманинг 15-моддасида кузда тутилган мукофот олиш хукукига нисбатан худди уз фукароларига такдим этадигандек режимни такдим этади.

(2) (1) бандда кузда тутилган мажбурият бошка Шартлашаётган Томон ушбу Шартноманинг 15(3)-моддасига мувофик жоиз булган кушимча шартлардан фойдаланган даражада кулланмайди.

II-БОБ

ИЖРОЧИЛАРНИНГ ХУКУҚЛАРИ

5-модда

Ижрочиларнинг шахсий номулкий хукуклари

(1) Ижрочининг мулкий хукукларидан катъий назар ва хатто бу хукукларни бошка шахсга топширгандан сунг хам, уз ёзилмаган огзаки ижролари ёки фонограммага ёзилган ижроларига нисбатан уз ижрочиларининг ижрочиси сифатида тан олиншини талаб килишга, бундай хукукнинг такдим этилмаслиги ижродан фойдаланиш характерида

боглик булган холлар бундан мустасно, ва уз ижроларининг унинг обрусига зарар етказиши мумкин булган хар кандай бузилиши, нотугри айтилиши ва узгартирилишига карши чикишга хаклидир.

(2) Ижрочига (1) бандга мувофик такдим этилган хукуклар унинг улимидан кейин хам, хеч булмаганда мулкий хукуклар амал килиш муддати тугагунига кадар сакланади ва мухофаза талаб килинган Шартлашаётган Томоннинг конун хужжатлари билан бунга ваколат берилган шахслар ёки муассасалар томонидан амалга оширилади. Бирок, ушбу Шартномани ратификация килиш ёки унга кушилиш пайтига конун хужжатларида ижрочининг улимидан кейин ижрочининг олдинги бандда белгиланган барча хукукларини мухофаза килиш кузда тутилмаган Шартлашаётган Томонлар ижрочининг улимидан кейин бу хукукларнинг айримлари тухтатилишини кузда тутиши мумкин.

(3) Ушбу модда билан такдим этиладиган хукукларни таъминлаш учун химоя воситалари мухофаза талаб килинган Шартлашаётган Томоннинг конун хужжатлари билан регламентланади.

6-модда

Ижрочиларнинг озининг ёзилмаган ижродарга болган мулкий хукулари

Оз ижроларига нисбатан мутлак хукукка эга болган ижрочилар куйидагиларга рухсат берадилар:

- i) озининг ёзилмаган ижроларини эфир оркали ва оммага такдим килишга, ижронинг аллакачон эфирга узатилган холлари бундан мустасно;
- ii) озининг ёзилмаган ижроларини ёзилишига.

7-модда

Такрорлаш хукуки

Ижрочилар оз мутлак хукукидан фойдаланган холда фонограммага исталган усулда ва хар кандай шаклда ёзилган ижроларини тогридан тогри ёки эгри такрорлашга рухсат берадилар.

8-модда

Таркатиш хукуки

1) Ижрочининг ижродан фойдаланишга болган мутлак хукуклари ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки ёки мулк хукукини озгача тарзда бошка шахсга отказиш ёули билан таркатишга рухсат беради.

2) хеч нарса мазкур Шартномадаги Шартлашаётган томонларнинг 1-бандда корсатилган хукукдан фойдаланишни ижрочи рухсати билан ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларига нисбатан биринчи сотувдан ёки мулк хукукини бошкача тарзда отказишдан сонг коллаш шартларини белгилаш ёки белгиламаслигига таъсир корсатмайди.

9-модда

Прокатга бериш хукуки

1) ижрочилар озига тегишли мутлак хукукдан фойдаланган холда фонограммага ёзилган ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини оммага такдим этиш максатида тижорат прокатига беришга рухсат берадилар. Бу Шартлашаётган томонларнинг миллий конунчилигида, хатто ижрочи томонидан ёки унинг рухсати билан ижро ёзувларининг таркалганидан сонг хам прокатга бериш белгилаб койилган.

2) (1) бандда келтирилган холатларга карамай, 1994-йилнинг 15-апрелидан буён фаолият олиб борган ва фаолият олиб боришда давом этаётган Шартлашаётган томон ижрочиларни фонограммага ёзилган оз ижро ёзувларининг нусхаларини прокатга берганликлари учун адолатли мукофотлаш тизимини, агар ижрони ижочиларнинг мутлак ххукуларига зарар келтирмаса саклаб колиши мумкин.

10-модда

Ёзиб олинган ижрони барчанинг эътиборига йетказиш хукуки

Ижрочилар озларига тегишли мутлак хукудан фойдаланган холда фонограммага ёзилган оз ижроларини барчанинг эътиборига сим оркали ёки симсиз алока воситаларидан фойдаланган холда йетказишга рухсат берадики, бу эса омма вакилларига озларининг хохишига кора исталган жойда ва исталган вақтда ижро ёзувидан бохабар болишлари мумкин.

III бoлим

Фонограмма тайёрловчиларнинг хукуклари

11-модда

Такрорлаш хукуки

Фонограмма тайёрловчилар фонограммадан фойдаланишга болган мутлак хукукларидан келиб чиккан холда озларига тегишли фонограммани исталган усулда ва исталган шаклда тоғридан тоғри ёки еғри такрорлашга рухсат берадилар.

12-модда

Таркатиш хукуки

(1) Фонограмма тайёрловчилар фонограммадан фойдаланишга болган мутлак хукукларидан келиб чиккан холда озларига тегишли фонограммаларнинг асл нусхаси ёки нусхаларини барчанинг эътиборига нусхаларни сотиш ёки мулк хукукини озгача тарзда отказиш йули билан йетказишга рухсат берадилар.

(2) Хеч нарса мазкур Шартномада Шартлашаётган томонларга (1) бандда келтирилган хукулардан фойдаланган холда фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, хатто улар фонограммани тайёрловчи томонидан ёки унинг розилиғи билан таркатилганидан кейин хамда унинг асл нусхаси ёки нусхаларига болган мулк хукукини белгилаш ёки белгиламаслиғига таъсир корсата олмайди.

13-модда

Прокатга бериш хукуки

(1) Фонограмма тайёрловчилар уз фонограммаларининг асл нусхаси ва нусхаларини, хатто уларнинг тайёрловчи томонидан ёки унинг рухсати билан амалга оширилган таркатилишидан кейин хам, омма учун тижорат прокатига рухсат беришнинг мутлак хукукига эга.

(2) (1) банд коидасига карамасдан, 1994 й. 15 апрел кунига фонограмма тайёрловчиларини уларнинг фонограмма нусхаларини прокатга бергани учун адолатли мукофотлаш тизими амал килган ва амал килиши давом этаётган Шартлашаётган Томон фонограммаларнинг тижорат прокати кунига фонограмма тайёрловчиларининг такрорлаш мутлак хукукига жиддий зарар етказмаслиғи шарти билан бу тизимни саклаб колиши мумкин.

14-модда

Фонограммаларни барчанинг эътиборига етказиш хукуки

Фонограмма тайёрловчилар уз фонограммаларининг симлар оркали ёки симсиз алока воситалари ёрдамида, омма вакиллари уларни исталган жойдан ва исталган вақтда уз танловига кура тинглаши мумкин булган тарзда барчага етказилишига рухсат беришнинг мутлак хукукидан фойдаланадилар.

IV-БОБ

УМУМИЙ КОИДАЛАР

15-модда

Эфир оркали узатиш ва умумий маълумот учун хабардор килиш учун мукофот олиш хукуки

(1) Ижрочилар ва фонограмма тайёрловчилар эфир оркали узатиш ва умумий маълумот учун исталган хабар бериш учун тижорат максадларида чикарилган фонограммалардан тугридан тугри ёки билвосита фойдаланганлиғи учун бир марталик адолатли мукофот олиш хукукидан фойдаланадилар.

(2) Шартлашаётган Томон уз миллий конун хужжатларида фойдаланувчидан бир марталик адолатли мукофотни ижрочи ёки фонограмма тайёрловчи, ёхуд ҳам ижрочи, ҳам фонограмма тайёрловчи талаб қилишга ҳақлилигини белгилаб қуйиши мумкин. Шартлашаётган Томонлар ижрочи ва фонограмма тайёрловчи уртасида қелишув мавжуд бўлмаган ҳолда, унга мувофиқ бир марталик адолатли мукофот ижрочилар ва фонограмма тайёрловчилар уртасида тақсимланадиган шартларни белгилайдиган миллий конун хужжатларини қабул қилиши мумкин.

(3) Ҳар қандай Шартлашаётган Томон БИМТ Бош директориға саклаш учун топширилган хабарномада у (1) банд қоидаларини фақат айрим фойдаланиш турларига нисбатан қуллаши ёки уларнинг қулланишини қандайдир бошқа тарзда чеклашини, ёхуд бу қоидаларни умуман қулламаслиги ҳақида эълон қилиши мумкин.

(4) Ушбу Модда мақсадлари учун симлар орқали ёки симсиз алоқа воситалари ёрдамида, омма вакиллари уларни исталган жойдан ва исталган вақтда уз танловига қура тинглаши мумкин бўлган тарзда барчага етказилган фонограммаларга тижорат мақсадлари учун чиқарилган фонограммалар сифатида қаралади.

16-модда

Чеклашлар ва истиснолар

(1) Шартлашаётган Томонлар ижрочилар ва фонограмма тайёрловчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга нисбатан уз миллий қонунчилигида адабий ва бадиий асарлар муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга нисбатан уз миллий конун хужжатларида қузда тутадиган чеклаш ёки истисно турларини қузда тутган бўлиши мумкин.

(2) Ижро ёки фонограммадан нормал фойдаланишга ҳеч қандай зиён етказмайдиган ва асоссиз тарзда ижрочилар ва фонограмма тайёрловчиларнинг қонуний манфаатларини чеклаб қуймайдиган айрим алоҳида ҳолларда, Шартлашаётган Томонлар ушбу Шартномада қузда тутилган ҳуқуқлардан қандайдир чеклаш ёки истисноларни белгилайди.

17-модда

Муҳофаза қилиш муддати

(1) Ушбу Шартнома билан ижрочиларга тақдим этиладиган муҳофаза муддати, ижро фонограммага ёзиб олинган йилнинг охиридан бошлаб, ҳеч бўлмаганда 50 йиллик давр охиригача давом этади.

(2) Ушбу Шартнома билан фонограмма тайёрловчиларига тақдим этиладиган муҳофаза муддати, фонограмма оммага чиқарилган йилнинг охиридан бошлаб, ҳеч бўлмаганда 50 йиллик давр охиригача, ёки – бундай оммага чиқариш мавжуд бўлмаган ҳолда, фонограмма ёзилган пайтдан бошлаб 50 йил давомида – ёзиш амалга оширилган йилнинг охиридан бошлаб, 50 йил давом этади.